

2007-1-сон

Оғир тан жароҳатлари оқибатида ўз ҳаётини сақлаб қолиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаган ва жиноят изларини яширган шахс асоссиз равишда қасдан одам ўлдиришда айбдор деб топилган.

Тошкент вилоят суди томонидан Э. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «в, ж, п» бандлари билан айбдор деб топилиб, 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Шу суднинг апелляция инстанцияси ҳукми ўзгаришсиз қолдирган.

Ҳукмга кўра, Э. таниш аёли Г. билан Ш.нинг хонадонида ижарада яшаб келишган. Воқеа куни эрталаб Э. уйдан чиқиб кетган. Уйда қолган Г. хонадон эгаси - кекса ёшдаги Ш. билан ўзаро жанжал оқибатида унга ошхона пичоғи ва ёғоч бўлағи билан жуда кўп жароҳат етказиб, уни ҳушсиз ҳолатга келтирган. Ушбу воқеадан сўнг уйга келган Э. вазиятни кўриб, жиноят изларини яшириш мақсадида, Г. билан биргаликда оғир жароҳат олиб ҳушсиз ётган Ш.нинг қон излари бўлган кийимларини ечиб олиб яшириб, баданидаги қон изларини ювишган ва уни каравотга ётқизишиб, воқеа жойидан яширинишган. Қаровсиз қолган Ш. етказилган оғир тан жароҳатларидан вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан суд қарорлари ўзгартирилиб, Э.нинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «в, ж, п» бандларидан шу кодекснинг 117-моддаси 2-қисми ва 241-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, маҳкумга беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ажримда кўрсатилишича, суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, бироқ Э.нинг қилмишига ҳуқуқий баҳо беришда унинг Ш.ни ўлдириш тўғрисида Г. билан олдиндан тил бириктирмаганлигини, Ш.га тан жароҳатлари етказишда иштирок этмаганлигини, фақат унинг ҳаёти хавф остида эканлигини билган ҳолда, унга ёрдам бермасдан, Г. томонидан содир этилган жиноят изларини яширишда иштирок этганлигини эътиборга олмасдан Э.ни қасддан одам ўлдиришда қатнашганликда айбдор деб топиб, хатога йўл қўйган.